

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ДЕН САҰЛЫҚТЫ САҚЛАҰ МИНИСТРИ**

Ш. Абдураманов

*Тәртіп рәжесі менен
Дүркенс ұстаменен*


Орынлау мүддеті *елу*



Қ.Ж.КАМАЛОВ

№12/

«05» Январь 2023-жыл



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SO'GLIQLIQ SAQLASH VAZIRLIGI
MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh. Navoiy ko'chasini, 4. tel.: (998 71) 241-09-95, 241-98-95.
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@ssv.uz

2022 йил "30" декабрь

10-41765 - сон

Корақалпоғистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош
бошқармаси ва вилоят соғлиқни
сақлаш бошқармаларига

2023 йилда аҳоли орасида профилактик кўриқлар ва скрининг
дастурларини самарали ташкил этиш чоралари тўғрисида

ТОПШИРИК

2023 йилда аҳоли орасида профилактик кўриқлар, скрининг дастурларини режали ташкиллаштириш ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги "Аҳоли орасида профилактика кўриқлари, скрининг дастурлари ва патронажни амалга оширишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида" тш 210-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

1. Корақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига 1 ҳафта
муддатда:

аҳоли орасида профилактика кўриқлари, болаларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўриқлари, скрининг дастурлари ва мақсадли патронажни амалга ошириш бўйича ҳар бир тиббий бригаданинг 2023 йил учун тармоқ режасини тузиш ва мўссаса раҳбари томонидан имзолаш;

тиббий бригадалар тармоқ режалари асосида маҳаллалар кесимида оилавий шифокорлик пункти, оилавий поликлиника ва кўп тармоқли марказий поликлиниканинг тармоқ режасини ишлаб чиқиш ва тиббиёт бирлашмаси раҳбари томонидан имзолаш;

туман/шаҳарлар кесимида худудий соғлиқни сақлаш бошқармасининг тармоқ режасини тайёрлаш ва имзоланишини таъминлаш;

2023 йилда мазкур профилактик тадбирларни амалга ошириш учун бир бирламчи тиббий-санитария ёрдами мўссасаларда асбоб-ускуналарни техник кўриқдан ўтказиш, соғлиқни таъминлаш;

Ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва етарли миқдорда реактив, сарфлов материалларининг захирасини тайёрлаш;

амалга оширилётган профилактик тадбирларнинг тизимли мониторингини олиб бориш учун туман/шаҳар ва вилоят даражасида Доимий фаолият юритувчи ишчи гуруҳларни шакллантириш ва вазифаларини белгилаш;

мониторинг натижаларини туман/шаҳар ва вилоят даражасида тизимли таҳлилларини ўтказиш, хато ва камчиликларни бартараф қилиш чораларини белгилаш, бунда асосий эътиборни тиббиёт ходимларининг билим ва амалий кўникмаларини ҳосил қилишга қаратиш;

профилактика тадбирларини ўтказиш ва ташкиллаштиришда маҳалла фуқаролик йиғинлари вакиллари, кенг жамоатчилик орасида уларнинг мақсад-мазмунни, ўтказиш усуллари бўйича тушунчалар берил, эълоялар тарқатиш каби тарғибот ишларини ўтказиш чораларини кўриш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифалари юклансин.

2. Корақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари жорий йилнинг 26 декабрда қадар иловада келтирилган шаклларда тармоқ режаларини шакллантириб, тасдиқласин ва вазирлиқнинг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармасига тақдим этсин.


3. Мазкур топширик ижроси назоратини Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлғни У.Рисқиев зиммасига юклансин.

Вазирнинг
биринчи
ўринбосари



А.Инонгов

Идора: Р.Абулрзикович
ID: 1979916
Сана: 30.12.2022





230105, Nukus shahri, I.Karimov k., 152-uy
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

230105, Nókis qalasi, I.Karimov k., 152-jay
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

2023 yil "06" 04
№ 03

**Аҳолининг соғлом турмуш тарзини
қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини
ошириш маркази Қорақалпоғистон
Республикаси ҳудудий бўлим бошлиғи
П.Хажиевга**

**Вазирлик тизимидаги барча
туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари
бошлиқларига**

2023 йилда аҳоли орасида профилактик кўриклар, скрининг дастурларини режали ташкиллаштириш ва Соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 27 июлдаги "Аҳоли орасида профилактик кўриклари, скрининг дастурлари ва патронажни амалга оширишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги 210-сонли буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 30 декабрдаги 10-41765-сонли "2023 йилда аҳоли орасида профилактик кўриклар ва скрининг дастурларини самарали ташкил этиш чоралари тўғрисида"ги топшириқ хати ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **кўрсатма хати**:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 30 декабрдаги 10-41765-сонли "2023 йилда аҳоли орасида профилактик кўриклар ва скрининг дастурларини самарали ташкил этиш чоралари тўғрисида"ги топшириқ хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирликнинг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Г.Абдисаметова, ДПЁТваТС бўлими бошлиғи О.Раджабовга, "Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш" маркази Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлим бошлиғи П.Хажиев ва вазирлик тизимидаги барча туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига:

аҳоли орасида профилактик кўриклари, болаларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўриклари, скрининг дастурлари ва мақсадли патронажни амалга ошириш бўйича ҳар бир тиббий бригаданинг 2023 йил учун тармоқ режасини тузиш ва муассаса раҳбари томонидан имзолаш;

тиббий бригадалар тармоқ режалари асосида маҳаллалар кесимида оилавий шифокорлик пункти, оилавий поликлиника ва кўп тармоқли марказий поликлиниканинг тармоқ режасини ишлаб чиқиш ва тиббиёт бирлашмаси раҳбари томонидан имзолаш;

туман/шаҳар кесимида ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармасининг тармоқ режасини тайёрлаш ва имзоланишини таъминлаш;

2023 йилда мазкур профилактик тадбирларни амалга ошириш учун ҳар бир бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида асбоб-ускуналарни техник кўриқдан ўтказиш, созлигини таъминлаш;

ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва етарли миқдорда реактив, сарфлов материалларининг захирасини тайёрлаш;

амалга оширилаётган профилактик тадбирларнинг тизимли мониторингини олиб бориш учун туман/шаҳар ва республика даражасида Доимий фаолият юритувчи ишчи гуруҳларни шакллантириш ва вазифаларини белгилаш;

мониторинг натижаларини туман/шаҳар ва республика даражасида тизимли таҳлилларини ўтказиш, хато ва камчиликларни бартараф қилиш чораларини белгилаш, бунда асосий эътиборни тиббиёт ходимларининг билим ва амалий кўникмаларини ҳосил қилишга қаратиш;

профилактик тадбирларни ўтказиш ва ташкиллаштиришда маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, кенг жамоатчилик орасида, уларнинг мақсад-мазмуни, ўтказиш усуллари бўйича тушунчалар бериш, эълонлар тарқатиш каби тарғибот ишларини ўтказилиш чораларини кўриш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифалари юқлатилганлиги ижро учун қабўл қилинсин.

3. . Вазирликнинг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Г.Абдисаметова, ДПЁТгаТС бўлими бошлиғи О.Раджабовга, “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш” маркази Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлим бошлиғи П.Хажиев ва вазирлик тизимидаги барча туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари томонидан жорий йилнинг **9 январь кунига** қадар юқорида берилган топшириқ ижроси юзасидан **иловада берилган** шаклларда тармоқ режалари шакллантирилиб, тасдиқлансин ва вазирликнинг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бўлимига **2023 йил 9 январь кунидан кечиктирмасдан тақдим этсин.**

Ушбу кўрсатма хат ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазирнинг
биринчи ўринбосори**



Қ.Ж.Камалов